

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил 28 декабрь • № 52 (917)





### Ҳайъат йиғилиши

## ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ

***Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида жорий йилда тизимда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.***

Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, Инвестиция дастурлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Вазирликнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Ф. Шарипов Инвестиция дастурининг бажарилиши хусусида тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Инвестиция дастурларига асосан 2010 йилда соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш учун 79,1 миллиард сўм ажратилганлигини, ушбу маблағ миқдори аввалги йилга нисбатан қарийб саккиз баробар ортганлигини таъкидлади. Маълум қилинганидек, 2011 йилда қурилиш-реконструкция ишларини амалга ошириш учун 135,8 миллиард сўм, 2012 йилда эса 256 миллиард сўм, бундан ташқари, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга 8 миллиард сўм йўналтирилган.

Жорий йилда, шунингдек, 51 та туман тиббиёт бирлашмасида қурилиш ишлари бошланган бўлиб, 11 тасида якунланган. Бундан ташқари, намунавий лойиҳа асосида қишлоқлар ҳудудида 28 та ҚВП барпо этилган, тўққизта оилавий поликлиника ва саккизта ДСЭНМ қурилиш-реконструкция ишлари якунланган.

Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Ш. Атаханов тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилган ишларга урғу берди.

**(Давоми 3-бетда).**

## ШОД АЙЛАГИН ОРЗУМАНД КЎНГИЛЛАРНИ

*Янги йилим, сен янгилик тимсоли,*
*Қаҳратонда кулган баҳор мисоли,*
*Шодлик осмонининг ёрқин ҳилоли,*
*Янги орзу, янги бахтлар олиб кел!*

*Ниятларинг покиза оппоқ қордай,*
*Кўркам арчанг безанган гулгун ёрдай,*
*Қувончимдан бу ёруғ олам тордай,*
*Янги севинч, янги аҳдлар олиб кел!*

*Мушкуллар ҳам топаверсин кушойиш,*
*Юртим бундан зиёд кўрсин оройиш,*
*Элда бўлсин хотиржамлик, осойиш,*
*Янги омад, янги нақдлар олиб кел!*

*Шод айлагин орзуманд кўнгилларни,*
*Кўрсин сендек неча янги йилларни,*
*Яқин этгил бахт деган манзилларни,*
*Истакларга ижобатлар олиб кел!*

**Баҳодир ОБИД.**

**Расмий веб-сайтимиз: www.uzssgzt.uz * Электрон манзилимиз: info@uzssgzt.uz**

Йилнома

# МУВАФФАҚИЯТЛАР САМАРАСИ: АМАЛИЙ ВА ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАЛАР

***Ўтаётган йилни сарҳисоб, фаолиятни танқидий ва ижобий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, эришилган муваффақиятлар қаторида камчиликларни ўрганиш, бу борада мақсадли режалар тузиб, келгуси йил учун мустаҳкам пойдевор тайёрлаш яхши анъанага айланган. Ҳар йилнинг ўзига хос номда аталиши, бунинг замирида давлатимиз тараққиёти ва ривожланишининг муҳим асоси уйғун ётганлигини соғлиқни сақлаш тизими йўналишидаги кўпгина амалий ишлар негизида ҳам кузатишимиз мумкин. Ушбу йўналишда газетамиз саҳифаларида йилнинг энг муҳим воқеа ва янгиликлари чоп этиб келинмоқда. Шу маънода эътиборингизга йил давомида ўтказилган тадбирларнинг қисқача мазмун-моҳиятини ҳавола этамиз.***



**1. Президентимиз мамлакатимиз Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимида** “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури асосида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича улкан ишлар амалга оширилганлигини қуйидагича эътироф этди: «...Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган “Соғлом она – соғлом бола” дастури доирасидаги чора-тадбирларимиз йил давомида янги босқичга кўтарилди.



Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташҳис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблағ ҳисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан айниқса эътиборлидир».

**2. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини ривожлантириш**, хусусан замонавий жаҳон стандартлари даражасидаги тиббиёт масканлари барпо этиш ва жиҳозлаш учун давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 2009 йил Инвестиция дастури доирасида 9,3 миллиард сўм, 2010 йилда 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда 136,0 миллиард сўм, 2012 йилда эса ушбу кўрсаткич 256,0 миллиард сўмни ташкил қилганлиги қувонарли ҳолдир.

2012 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, 241,7 миллиард сўм миқдордаги маблағ ўзлаштирилиб, республика ҳудудлари миқёсидаги 110 та даволаш муассасаларида қурилиш ва реконструкция ишлари якунланди.

**3. Жорий йилнинг 31 январь куни Тошкент вилоятининг Пискент туманида замонавий типдаги кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси иш бошлади.** Унда диагностика, рентген ва лаборатория, болалар ҳамда катталар бўлимлари давр талаби даражасида жиҳозланган. Айни кунда ушбу муассасада 250 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари 91 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

**4. 17 февраль куни пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.** Унда иштирок этган халқаро экспертлар юртимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги фаолиятларни юқори баҳоладилар.

**5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 24 март куни Республика врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида тез тиббий ёрдам йўналишида** меҳнат қилаётган соҳа мутахассислари хизматларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Тадбирда ўз касбининг моҳир усталари муносиб тақдирландилар.



**6. Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг 20 йиллигига бағишлаб** 27 март куни «Тиббий экологик муаммолар ва Оролбўйи ҳудудида яшовчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

**7. 4 апрель куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази ҳамкорлигида** «Ўзбекистон Республикасида болаларга кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам ҳолати ва унинг истиқболлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда мавзу доирасидаги муҳим масалалар кўриб чиқилди.

**8. 4-5 апрель кунлари Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида** «Юрак қон-томир касалликларини ташҳислаш ва даволашда қўлланиладиган юқори технологиялар» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда малакали мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари билдирилиб, ўзаро тажриба алмашилди.

**9. 2012 йилнинг 29 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида Халқаро силга қарши кураш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.** Тизимда олиб борилган амалий ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда сил касаллиги ўлим кўрсаткичлари 3 баробар, касалланиш эса 25 фоизга камайганлиги эътироф этилди.

**10. 11 апрель куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан** «Хусусий тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор вазифалардан бири» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юқори босқичга кўтариш масалаларига эътибор қаратилди.

**11. 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан** Миллий матбуот марказида "Аҳолини, айниқса ёшларни қандли диабет касаллигидан ҳимоя қилиш борасида белгиланган чора-тадбирлар, муаммо ва ечимлар" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди ва тадбир доирасида муҳим мавзулар муҳокама этилди.

**12. 14 апрель куни Бухоро шаҳрида «Саломатлик куни»га бағишлаб тадбир ўтказилди.** Юқори малакали мутахассислар томонидан 1271 нафар фуқарога тиббий хизмат кўрсатилди.

**13. "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги** Ўзбекистон Республикаси Қонуни апрель ойида кучга кирди ва унинг айни кунда жойлардаги ижроси таъминланмоқда.

**14. Республика Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 18 апрель куни** «Аҳолининг сифатли дори-дармонга бўлган талабини қондириш масалалари, импорт қилинаётган дори маҳсулотлари назоратини таъминлаш, қалбаки дори маҳсулотларига қарши кураш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 30 дан ортиқ оригинал дори воситалари маҳаллий хом ашёлар, асосан доривор ўсимликлар асосида республикамиз олимлари томонидан жумладан, аллапинин, экдистен, тефесрол, пирацин, купир, сукцинасол каби дори воситалари яратилганлиги таъкидланди.

**15. Республикамизда илк маротаба Бухоро шаҳрида «Энг яхши подиатр-ҳамшира» кўрик-танлови бўлиб ўтди.** Танловда чаққон, билимдон ва зукко подиатр-ҳамширалар ўзаро беллашдилар.

**16. Пойтахтимизда V республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди.** Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги бир қанча тиббиёт муассасалари ходимлари иштирок этиб, **86 номдаги** янги ишланмалар, инновацион ғоялар ва технологияларни тақдим этдилар.

**17. Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,** “Sen Yolg‘iz Emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти

**(Давоми 3-бетда).**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Йилнома*

# МУВАФФАҚИЯТЛАР САМАРАСИ: АМАЛИЙ ВА ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАЛАР

ҳамкорлигида пластик жарроҳликнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистонда пластик жарроҳлик тиббиётнинг янги, тобора ривожланаётган, илмий изланиш, инновацион ғоя ва ташаббуслар кенг татбиқ этилаётганлиги халқаро мутахассислар томонидан эътироф этилди.

**18. Ўқувчи-ёшларнинг гўзаллик ва нафосат байрамига айланган «Умид ниҳоллари – 2012» спорт ўйинлари Навоий вилоятида ўтказилди.** Мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчи-



лари иштирок этиб, спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро куч синашдилар. Ғолиблар Президент совғаси – «Дамас» автомобили билан тақдирландилар.

**19. 15-16 июнь кунлари Тошкент шаҳрида «Травматология ва ортопедияда долзарб масалалар» мавзуидаги VIII съезд бўлиб ўтди**, унда соҳада эришилаётган ютуқлар ҳамда илмий изланишлар борасидаги фаолиятлар таҳлил қилинди.

**20. Жорий йилнинг июнь ойида «Ҳамшира – 2012» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи Наманган вилоятида бўлиб ўтди.** Унда 14

(Давоми. Боши 2-бетда).

нафар ҳамширалар ўзаро беллашиб, билим ва касбий маҳорат бобида истеъдодларини намойиш этдилар.

**21. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланди.** Ушбу сана муносабати билан 10 ноябрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга ҳамоҳанг тарзда «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши умумий амалиёт шифокори», «Энг яхши патронаж ҳамшира» кўрик-танлови ғолиблари аниқланди. Шунингдек, бир гуруҳ тиббиёт ходимлари «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

**22. 2011 йил август ойида Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан** тиббиёт фани соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ўзаро имзоланган меморандум икки давлат ўртасидаги халқаро алоқалар янада мустаҳкамланишига сабаб бўлди.

Жорий йилнинг 25 май куни Тошкентда Ўзбекистон – Жанубий Корея илмий-тиббий семинари ўтказилди. Эзгу ишларнинг давоми сифатида 13 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Корея Республикасининг Инчон шаҳар тиббий туризм фонди ва «Ловэко» компанияси ўртасида уч томонлама меморандум имзоланди.

**23. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 23 июндаги 161-сонли буйруғига асосан** республикамиз миқёсида 1-8 июль кунлари **"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин"** шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрик бўлиб ўтди.

**24. Жорий йилда «Саломатлик-3» лойиҳаси ўз фаолиятини бошлади.**

**25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.** Шу жумладан, Президентимиз Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуасига ташриф буюрди.

**26. 7-8 сентябрь кунлари Тошкентда** «Фтизиатрия ва пульмонологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

**27. 21 сентябрда Республика ОИТСга қарши кураш маркази қошидаги** давр талабига жавоб берадиган 60 ўринли клиника ўз ишини бошлади.

**28. Мамлакатимиз радиологларининг IX илмий-амалий конференцияси 22-23 октябрь кунлари бўлиб ўтди.** Тадбир давомида тиббиёт муассасалари 285 та рентгенологик, шу жумладан, рақамли, 540 та ультратовуш аппаратлари, 28 та компьютер томографлари, 3 та бир фотонли эмиссион томографлар, 29 та рақамли флюорографлар, 6 та ангиокардиограф тузилмалари, чизиқли тезлатгич ва бошқа радиологик ускуналар билан таъминланганлиги алоҳида тилга олинди.

**29. 25 октябрда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида** Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ўзбекистонда кардиохирургия соҳасида эришилаётган ютуқлар, ушбу йўналишда ихтисослаштирилган даволаш муассасаларининг замонавий кўриниш олаётганлиги ва истиқболдаги режалар" мавзусидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**30. 2012 йил 30 октябрда куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида** Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов юртимизга илк бор ташриф буюрган БМТ



Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимеин билан учрашди.

Мартабали меҳмон Ўзбекистоннинг «Соғлом она – соғлом бола» дастури юксак эътироф ва ўрганишга муносиб эканлигини алоҳида таъкидлади ҳамда тизим фаолиятига юқори баҳо берди.

**31. 28-29 ноябрь кунлари Ўзбекистон патологоанатомларининг III Съезди бўлиб ўтди.** Мазкур съезд доирасида муҳим таклиф ва фикрлар билдирилиб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

**32. Тошкент тиббиёт академиясининг ёш олимлар кенгаши ва Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси ҳамкорлигида** ташкил этилган "XXI аср – интеллектуал авлод асри" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда тиббиёт фани билан боғлиқ кўплаб долзарб масалалар кўтарилгани аҳамиятга молик. Асосий маъруза ва фикр-мулоҳазалар деярли инглиз тилида олиб борилгани эса конференция моҳиятини янада оширди.

**33. 17-22 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан** "Фертиль ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиги"нинг 41-ҳафтасига бағишланган тадбир самарали якунланди.

**34. Мамлакатимиз Конституциясининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йил – Обод турмуш йили деб эълон қилинди.**

**Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Демак, доимий изланиш, янгиликлар сари интилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурч ва масъулиятимиздир. Якунланаётган йилда бошлаган эзгу ва хайрли ишларимизни Обод турмуш йилида ҳам давом эттириб, муваффақият ва самарали натижалар сари олға қадам ташлашимиз лозимлигини давр тақозо этмоқда.**

*Ҳайъат йиғилиши*

# ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ўзаро лойиҳа ҳамда дастурлар доирасидаги ҳамкорлик натижалари, келгусидаги режалар бўйича Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи А. Сидиқовнинг ахбороти тингланди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи С. Исмоилов "Фертиль ёшдаги аёллар, болалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги" натижаларига тўхталиб, жорий йилда соғломлаштириш ҳафталиги самарали якунланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Вазирлик мутахассиси Ҳ. Жалилов 2012 йилда ҚВПларнинг эҳтиёжи учун марказлашган ҳолда олинган дори воситалари ва тиббий буюмлар тўғрисида маълумот бериб, бу борадаги фаолиятда жиддий ёндошув муҳимлигига урғу берди.

Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Д. Миразимов тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган гемодиализ хизматига шарҳ берар экан, ўзига яраша мавжуд камчиликларни бартараф этишда алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Раҳбар кадрларни танлаш, тайинлаш, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш, жумладан, РШТЁИМ тизими ҳамда ўрта тиббиёт ходимларини шаҳодатдан ўтказиш натижалари, кадрлар билан ишлаш хизматида иш юритишни такомиллаштириш масалалари юзасидан ахборот берган вазирлик мутахассислари Ў. Исмаилов ва Р. Салиходжаева хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлигини, хусусан, аттестация жараёнида айрим тиббиёт ходимларининг билим савияси талабга жавоб бермаслиги аниқланаётганини айтиб ўтдилар.

Даволаш-профилактика муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари тўғрисида вазирликнинг тиббиёт муассасаларидан комплекс фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Б. Эргашевнинг ахборотида иситиш тизимини доимо мувофиқлаштириб бориш ишларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Назорат инспекцияси бошлиғи Ў. Исмаилов Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Янги – 2013 йил байрамини муносиб кутиб олиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги Қарори ҳамда вазирликнинг тегишли буйруғи ижросига тўхталиб, жойларда йўналишдаги назорат ишларини кучайтириш муҳимлигини айтиб ўтди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан етакчи клиникалар мутахассислари томонида ҳам фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Йиғилиш кун тартибидан кўрилган масалалар бўйича вазирликнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**1-3-саҳифа материалларини**
**Ибодат СОАТОВА**
**тайёрлади.**

Тиббиёт муассасаларида

# ҲАЁТ УЧУН МЕҲР УЛАШИБ

***Дарди йўқ оғриқ билмас, бу борада ўзгаларни ҳам тушунмас... Ташқаридан сокин кўринган Республика онкология илмий марказининг лабиринт каби бир-бири билан туташган бинолари оралаб ичкарига кирар экансиз, бу ерда, муболағасиз, ҳаёт булоқлари қайнаётганининг гувоҳи бўласиз.***

***Тан олиш керакки, бу даргоҳнинг номи бир қарашнинг ўзида ҳаммамизни хавотирга солади. Бироқ нажот истаб келганлар дардига малҳам топаётган шифокорларни кузатар экансиз, бу ҳақда ўйламай, бироз енгил тортасиз. Шубҳасиз, шу онда юқоридаги тушунчани мутлақо инкор этасиз.***

Соат эрта билан 8.55. Узун коридор бўйлаб шаҳдам қадам ташлаб келаётган бир гуруҳ шифокорлар белгиланган хона томон йўл олди. Жарроҳлик муолажасини амалга оширувчи бригада жойини эгаллаши билан эшик беркитилиб, чироқ ёнди. Бу операция бошланганидан далолат эди. Шу заҳотиёқ ҳаммаёқ сукунатга чўмди. Фақат ташқаридан эшикка тортилган оқ парда худди елкан каби ҳилпирарди...

Орадан чамаси бир ярим соат ўтгач эшик тепасидаги чироқ ўчди. Беморга жарроҳлик жараёнида оғриқсизлаштириш кўмагида бўлган Аҳрор Худойбердиев анестезиология ва реанимация бўлимига тезкор хабар берди: ”Операция тугади, беморни қабул қилиб, тезкор назоратга олинг”. Раҳбарлигидаги бўлим ходимларига тўлиқ ишонсада, Аҳрор Носирович ўн беш дақиқалик танаффусдан фойдаланиб, шахсан ўзи янги беморга реанимация муолажалари бошланганини текширди. Хотиржам бўлганидан сўнг галдаги операцияга тайёргарлик кўрди. Бу борада, билишимизча, энг асосийси шифокор ўзини тетик сезиши зарур. Мўъжазгина хонасига кириб, Аҳрор Носирович оёқ остидаги тошни ҳатлаб ўтди. Бундан шуни англадикки, тошга қоқилмаган киши тетик ҳисобланади…

– Қанчалик бу ҳақда айтиш оғир бўлмасин, аммо инсонни дарддан халос этиш учун жарроҳлик муолажасини қўллашга мажбурмиз, – деди бизга бироз вақт ажратгандай бўлиб РОИМ анестезиология ва реанимация бўлими раҳбари Аҳрор Худойбердиев. – Афсус билан шуни ҳам айтиш жоизки, бугунги кунда дунёда саратон касаллиги кўпайиб бормоқда. Сабаби? Глобаллашув жараёнларида албатта техник имкониятлар кучаяди. Бунинг ўзига яраша фойдаси кўп. Аммо зарарли томонлари ҳам йўқ эмас. Юксак технологияларнинг айниқса экологик мувозанатга таъсири кучли. Бундай жараёнларнинг асоратлари биринчи галда табиат инъоми бўлмиш инсон саломатлигида яққол сезилмоқда. Кейинги пайтларда оммавий равишда профилактика-тушунтириш ишлари олиб борилишига алоҳида эътибор берилаётгани шу боисдандир. Кўп гапирилсада, шуни такрорлаб ўтиш ўринлики, ҳар бир киши саломатлигига авваламбор ўзи масъул эканини тушуниб етиши лозим. Биринчи галда бу борада қилинадиган иш вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туришдир. Шундагина ҳар қандай касалликнинг олди олинади, қолаверса, жарроҳликдан ҳам анча чекинилади.

Республика онкология илмий маркази мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасидир. Кардиология, эндокринология, офтальмология каби ўнта йўналишда яратилган илмий марказлар орасида РОИМнинг ҳам аҳамияти бўлакча.

– Дарҳақиқат, бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди десак, адашмаймиз, – дейди Республика окология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов. – Ҳукуматимиз, бевосита давлатимиз раҳбари ғамхўрлигида онкология хизматини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилаётир. Республика бўйича замон талабларига жавоб берадиган тарзда жиҳозланган 17 та йирик онкология муассасаси ҳар бир вилоятда фаолият юритмоқда, туман ва шаҳар поликлиникалари қошида ҳам шу йўналишда хизматлар очилган. Ҳар йили давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар биринчи галда муассасалар моддий-техник негизини такомиллаштиришга, ташҳис ва даволаш ускуналарини модернизация қилишга йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш сифатини халқаро андозаларга мувофиқлаштиришга эришилаётир. Шунингдек мутахассис кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш учун барча шароитлар, имкониятлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Эътиборлиси, бугунги кунда онкология йўналишини танлаган ёшларимизнинг аксарияти хорижий тилларни яхши ўзлаштирган. Бу эса биринчи навбатда жаҳон тажрибасини ўрганишда, чет эллик касбдошлари билан инглиз, француз, немис тилларида бемалол мулоқотга киришишда муҳим аҳамият касб этади. Шогирдларимиз халқаро илмий-амалий анжуманларда асосан инглиз тилида тайёрланган маърузалари билан қатнашаётгани бошқа давлатлар мутахассислари томонидан катта эътибор билан қарши олинмоқда.



Ахборот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, республикамизда онкология хизматига илмий асос солинганига деярли эллик йил тўлмоқда. Дастлаб бу йўналишдаги фаолият Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги онкология ва радиология илмий-текшириш институти сифатида ташкил этилиб, 2000 йилдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Республика онкология илмий маркази мақомида давом этмоқда. Ўтган вақт мобайнида марказ салоҳияти том маънода кучайди. Ўтказилаётган илмий изланишлар самараси ўлароқ марказ онкология соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган йирик даргоҳга айланди. Бу ерда Тошкент тиббиёт академияси онкология кафедраси очилган бўлиб, соҳа мутахассислари етишиб чиқишига хизмат қилмоқда.



– Кейинги йилларда марказда турли физик омилларнинг саратон касаллигига таъсири юзасидан экспериментал ўрганишлар олиб борилди, – дейди тиббиёт фанлари номзоди, РОИМ маънавият ва маърифат ишлари бўйича бўлим етакчи мутахассиси Олим Имомов. – Йуналиш касалликлари ташҳис услублари ишлаб чиқилди ва амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, табиатга салбий таъсир этувчи омиллар, яъни атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар аниқланиб, санация масаласи амалий тавсияларда ифода топмоқда. Шунингдек, онкологиянинг иммуногенетик хусусиятларини ўрганиш бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда, бу борада касалликни даволашда ўзига хос стандартлаштирилган услуб ҳам яратилди.



Суҳбатдошимиз таъкидлаб ўтганидек, шу тариқа марказнинг илмий ва амалий салоҳияти ошиб бормоқда. Кейинги ўн йил ичида 87 та диссертация ёқланган бўлса, шундан 15 таси докторлик даражасидаги изланишлардир. Энг асосийси бу борадаги тадқиқотларнинг аксарияти амалда қўлланилиб, ижобий натижаларга ҳам эришилмоқда. Бундан ташқари, давлат гранти асосида тўққизта илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Инновацион ва фундаментал изланишлар қаторида бир вақтнинг ўзида амалий саъй-ҳаракатлар кўлами ҳам кенгайиб бораётир.

Республика онкология илмий маркази маълумотларига кўра, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2012-2015 йилларда онкология хизматини ривожлантириш дастури тасдиқланиб, ушбу ҳужжатга асосан бугунги кунда касалликни даволаш, ташҳис қилиш стандартлари ишлаб чиқилган ва барча бўлимларда татбиқ этилмоқда. Галдаги вазифалар айнан шу стандартларни жойлардаги муассасалар тасарруфида ҳам қўллашга қаратилган.

Янги технологиялар ва даволаш усуллари жорий этилиши билан онкология хизматини жаҳон мезонларига мувофиқлаштириш ишлари ҳам изчил йўлга қўйилмоқда. Ҳозирда Республика онкология илмий маркази Корея, Франция, Германия, Япония, Австрия, Россия, Чехия давлатларидаги онкология йўналишидаги нуфузли клиникалар билан ҳамкорлик ўрнатган. Тажриба алмашиш мақсадида хорижий мутахассислар иштирокида илмий-амалий конференция ва симпозиумлар мунтазам ташкил этиб келинади. Анъанавий равишда ўн йилдан бери ўтказиб келинаётган республика онкологлар конференциясида ҳам хорижлик экспертларнинг фаоллиги ошиб бормоқда. Шу йил октябрь ойида халқаро “Авиценна-Франс” жамғармаси раиси Марк Боннель бошчилигидаги француз делегациясининг мамлакатимизга ташрифи чоғида икки томон учун фойдали бўлган ўзбек-француз мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари уюштирилди. Хорижлик экспертлар томонидан Ўзбекистонда онкология хизмати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бериши, баъзи йўналишларда эса, хусусан, аёлларда учраётган айрим касалликларни даволаш услублари мамлакатлараро кенг тарғиб этилиши мақсадга мувофиқ дея эътироф этилганди.

Онкология хизматини ривожлантириш дастури доирасида кейинги пайтда шунингдек вилоят диспансерлари услубий жиҳатдан янада мукаммаллаштирилди. Марказ қошида эса талабдан келиб чиққан ҳолда замонавий жиҳозларга эга қўшимча бўлинмалар ташкил этилди.

Моддий-техник негизни мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган хизмат сифатини янада ошириш мақсадида компьютерлаштирилган томографлар, дозиметрик анжомлар мажмуаси, гамматерапия ва рентген аппаратлари, рақамли ультратовуш сканерлар билан жиҳозлаш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Дастурга мувофиқ тўрт йил ичида Навоий, Жиззах, Фарғона вилоятлари диспансерларида радиология бўлимларини ташкил этиш, 13 та ҳудудий муассасада таъмирлаш-реконструкция ишлари кўзда тутилган.

Илмий изланишлар доирасида ташҳис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини бирлаштириш ва амалда қўллаш мақсадида халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида бир қатор янги лойиҳаларга қўл урилмоқда.

Албатта, дастурда профилактика ишларига алоҳида эътибор қаратилган ва бу борада доимий ҳамкорлар Фонд Форум, “Меҳр нури”, “Сен ёлғиз эмассан” ташкилотлари билан репродуктив саломатлик масалаларига бағишланган халқаро конференциялар уюштирилиши алоҳида ўрин тутади. РОИМ ва ҳудудий диспансерларнинг тажрибали мутахассисларини жалб этган ҳолда Фонд Форум томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган “Ҳаёт учун” хайрия акцияси бугунги кунда аҳоли орасида саратон касаллигига бўлган эътибор кучайгани, демакки, ушбу дарднинг олдини олиш, уни енгишда энг муҳими меҳр улашиш муҳимлигини намойиш этмоқда. Оқ халатга доғ туширмасдан, касбига садоқат ила бемор дардига малҳам бўлаётган шифокорлар эса эртанги ҳаётга, келажакка ишонч ортиб бораверишида таянчдир.

**... Эшик ташқарисидаги узун парда вақти-вақти билан ум-мондаги оқ елканга ўхшаб ҳилпираб қўймоқда. Бу юрак уриши белгиси. Демак, ичкарида оқ халат кийган инсонлар соатлаб тик туриб, яна кимнингдир ҳаёти учун меҳр ила курашмоқда.**

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

*Тиббиётимиз дарғаси*

# УМРНИНГ САРҲАДСИЗ МАНЗИЛЛАРИ

***Республикамизда илм-фан соҳасида эл эътиборига тушган инсонлар кўп. Шулардан бири МДҲ давлатларида ҳам танилган олим Нажийулла Ҳабибулаевич Шомирзаевдир.***

Тиббиёт фани ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Н. Шомирзаев бугунги кунда ҳам фаол, хусусан, пульмонология, юрак қон-томир жарроҳлиги, умумий жарроҳлик амалий масалаларини мажмуавий ҳал этишда изланишларни давом эттириб, бу борада билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда. Устознинг ҳаёт йўлларига назар ташлар экансиз, уларнинг айниқса илмий изланишлари бугунги кунда ҳам долзарб эканига амин бўласиз.

Н. Шомирзаев 1962 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институти (*ҳозирда Тошкент тиббиёт академияси*)ни имтиёзли битирган бўлсада, талабалик давридаёқ профессор Ф. Амиров раҳбарлигида оператив жарроҳлик кафедраси қошида ташкил этилган ёшлар илмий тўгарагида эътиборга лойиқ ишларни амалга оширди. Ўқишдан сўнг институт кафедрасида, кейин марказий илмий-текшириш лабораторияси морфология бўлимида кичик илмий ходим вазифасида ишлади. Тўрт йил ичида ўпка морфологияси мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу тадқиқот негизида монография ҳам чоп этилди.

Морфологик, гистокимёвий ва электрон микроскопик техника усулларини чуқурроқ ўрганиш, морфология бўйича билимларини кенгайтириш мақсадида 1966 йилда Н. Шомирзаев гистология кафедрасига ўтди ва бир вақтнинг ўзида академик К. Зуфаров раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириб, 1973 йилда "Кўкрак бўшлиғида ўпкада олиб борилган айрим операциялардан сўнг кечадиган компенсатор-мослашув жараёнлари" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда илмий кенгаш тавсиясига кўра янги монография яратилди.

Н. Шомирзаев фақат илмий-педагогик фаолияти эмас, балки ташкилотчилиги билан ҳам жамоа эътиборини тортди. 1973-1976 йилларда биокимё, иммунология, физиология, микробиология, морфология ва экспериментал моделлаштириш бўлимларидан иборат марказий илмий-текшириш лабораториясига раҳбарлик қилди. Ёш олимнинг илмий ва ташкилотчилик салоҳияти боис 120 га яқин мутахассис фаолият юритаётган лаборатория нафақат институт, балки бутун республика тиббиёт соҳасидаги илмий ходимлар учун ҳам услубий, ҳам маслаҳат маркази даражасига эришди. Лаборатория ходимлари томонидан олтмишдан ортиқ докторлик ва 120 дан зиёд номзодлик диссертациялари қисмлари тадқиқ этилди.

1979-2005 йилларда Н. Шомирзаев кафедра раҳбари сифатида кўплаб шогирдлар етиштирди, шунингдек дарслик ва ўқув қўлланмалари яратди. Анатомияни бошқа клиник фанлар билан боғлаб ўтишда интеграллаш масаласига катта эътибор қаратган ҳолда, олим қўшма дастурлар ва услубий кўрсатмаларни академик Ш. Каримов билан ҳамкорликда чоп этилган "Хирургик касалликлар" дарслигида акс эттиришга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, 2006 йилда С. Назаров ва Р. Усманов билан ҳаммуаллифликда тиббиёт ўқув юртлари учун лотин ёзувига асосланган "Topografik anatomiya" дарслиги нашр этилди.

Олим томонидан олиб борилган ва ҳозирда давом эттирилаётган илмий ишлар патологик ҳолларда ўпканинг функционал-метаболик ва тузилмавий хусусиятлари, ўпканинг сурункали носпецифик касалликларда иммун тизими, метаболизм механизми, артериал гипертензияни жарроҳлик усуллари ёрдамида коррекциялаш каби масалаларни ўз ичига олади. Унинг илмий изланишлари натижасида ўпкада адаптация ва қайта тикланиш жараёнларининг умумий қонуниятлари назарий жиҳатдан асослаб берилди. Илмий ишдаги янги далиллар ўпкадаги адаптация ва патология ҳолатларининг қайтиш хусусиятига эгалигини тасдиқловчи фактларни исботлади. Касалликлардаги адаптациянинг умумбиологик қонуниятлари турли даражадаги морфологик ва функционал текширувларда ўз тасдиғини топди.

Профессор Н. Шомирзаев томонидан кўплаб ёш мутахассислар иштирокида стафилококк ёрдамида чақириладиган зотилжамни аниқлаш ҳамда специфик иммунокоррекция қилишнинг экспресс услублари ишлаб чиқилди. Устознинг ғояси асосида шогирдлари томонидан сурункали ўпка касалликларини ўткир ва ўткир бўлмаган даврларда олдини олиш ва бир вақтнинг ўзида таъсирчанлигини ошириш, нохуш ҳодисаларни бартараф қилиш усуллари жорий этилди. Бу борадаги изланишлар натижалари учун 1996 йилда патент ҳам олинди.

Олим илмий ишлари Франция, Польша, Афғонистон, Эрон, МДҲ давлатларида ўтказилаётган халқаро анжуманларда кенг муҳокамага сабаб бўлиб, муносиб баҳоланиб келинмоқда. Шу кунга келиб унинг раҳбарлигида еттита докторлик ва 23 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бевосита олим томонидан тўрт юздан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан учта монография, тўртта маълумотнома, еттита ўқув қўлланма ва 48 та услубий тавсияномалар нашр қилинган, шунингдек саккизта муаллифлик гувоҳномаси, ўнта рационализаторлик таклифлари олинган.

Нажийулла Шомирзаевни республикамизда назарий ва амалий пульмонологияга асос солган олимлардан бири, шу билан бирга назарий пульмонология мактабини яратган устоз деб айтишга ҳақлимиз. Дунёга танилган морфолог-олим, академик В. Серов мамлакатимизга ташрифи чоғида олимнинг ишларига юқори баҳо бериб, морфологик пульмонологияда тамомила янги йўналиш яратилди, деганди.

Н. Шомирзаев 1987-1990 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти (*ҳозирда Тошкент тиббиёт академияси*) ректори, кейинчалик Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-тиббий кенгаши раиси сифатида фаолият юритди. Бугунги кунда ҳам Н. Шомирзаев илмий-ташкилий ишларда фаол иштирок этмоқда.

Н. Шомирзаевнинг камтарона хизматлари муносиб баҳоланган. У бир қатор нишонлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган, шунингдек халқаро анатомлар, гистологлар ва эмбриологлар жамиятининг олтин медали соҳиби ҳамдир. Устозни Янги 2013 йил билан самимий қутлаб, оилаларига тинчлик, сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.

**Эркин ТУРСУНОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори, Халқаро экологик фанлар академияси академиги.**

*Матбуот конференцияси*

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

